



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 98 (9594).

• 1989 йил 24 май • чоршанба •

Баҳоси 3 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1989 йил 22 май кунин КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленум СССР халқ депутатларининг съездини ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқди.

Шу масалалар юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев доклад қилди.

Пленумда КПСС Тюмень область комитетининг биринчи секретари Г. П. Богомяков, КПСС Липецк область комитетининг биринчи секретари Ю. А. Манаенков, Украина Компартияси Львов область комитетининг биринчи секретари Я. П. Погребняк, КПСС Шимолий Осетия область комитетининг биринчи секретари А. С. Дзасохов, СССР Давлат қурилиш комитети раисининг биринчи ўринбосари — СССР министри Б. Н. Ельцин, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг ректори А. А. Логунов, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А.-Р. Х. Везиров, КПСС Иркутск область комитетининг биринчи секретари В. И. Потапов, Тожикистон

Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. Маҳмамов, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко, СССР Езувчилар союзи правленисининг биринчи секретари В. В. Карпов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари И. К. Полозов, Қозғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. В. Колбин, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А.-М. К. Бразаускас, СССР Радио саноати министри радиоприборсозлик илмий-тадқиқот институтининг бош конструктори А. Г. Басистов, КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлимининг муdiri В. М. Фалин, Белоруссия Компартияси Минск область комитетининг биринчи секретари А. А. Малофеев, СССРнинг Буюк Британиядаги факултетада ва мухтор элчиси Л. М. Заматин, КПСС Ульяновск область комитетининг биринчи секретари Ю. Г. Самсонов, КПСС Омск область комитетининг биринчи секретари Е. Д. Похитаило,

Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Г. Арутюнян, Қозғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Назарбоев, Украина ССР Министрлар Советининг Раиси В. А. Масол, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия Контроли Комитетининг аъзоси А. П. Думачев, КПСС Якутия область комитетининг биринчи секретари Ю. Н. Прокопьев, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг раиси В. А. Коптгов, СССР кора металлургия министри С. В. Колпаков, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, И. В. Курчатова номидаги Атом энергияси институтининг директори Е. П. Велихов, СССР газ саноати министри В. С. Черномырдин, СССР кўмир саноати министри М. И. Шчадов, СССР гидрометеорология ва табиий муҳитини контрол қилиш Давлат комитетининг раиси Ю. А. Израэль, СССРнинг Руминия Социалистик Республикасидаги элчихонаси иқтисодий

масалалар бўйича маслаҳатчиси В. Г. Бойко сўзга чиқди.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевни СССР Олий Советининг Раиси лавозимига сайлашни тавсия этди.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленум якунида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Е. К. Лигачевнинг аризаси эълон қилинди (ариза матбуотда эълон қилинади). Пленум Е. К. Лигачевнинг аризасида ўртага қўйилган масалалар СССР прокуратураси томонидан кўриб чиқиладиганини инобатга олди, унинг натижалари маълум қилинади.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тугатди.

ЭРТАГА СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИ ЎЗ ИШINI БОШЛАЙДИ



ЭРТАГА 25 май кунин Кремлда СССР халқ депутатлари съезди иш бошлайди. Ўзбекистондан сайланган депутатлар яқинда республика Компартияси Марказий Комитетида йиғилишиб, съезд органларига тавсия этиладиган вакиллар ҳамда ўртага ташланган муаммолар ҳусусида келишиб олдидлар.

Депутатлардан Намангандаги шойа ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Н. И. Агапова (чандан), В. П. Чка-

лов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесарий бригадир В. Т. Одилов, Фарғона область ўзбекистон районидаги «Гангоб» совхозининг бригадир С. Ҳақназаров, Сирдарё область «Сир-

сураччи Ф. ҚУРБОНОВЕВ. (ЎЗТАГ).

КПСС Марказий Комитетига

1989 йил 12 май кунин телевидение орқали СССР прокуратурасининг терговчиси Н. В. Иванов порахурилик тўғрисидаги жиноий ишда «Сийсий бюронинг янги аъзолари кўнга ташланиб қолди» деб айтди. Ҳушда менинг номин тилга олдинди. Бу гапни иттифоқчилар, ёзувчи билан тўқилган уйдирма, деб ҳисоблайман. Бу гапни граждандар, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси сифатида менинг шанимга оғир жиноятда гумонсираш билан доғ туширади.

Қай мақсадда шундай қилинди, деган савол туғилиши табиий. Менинг фикримча, бу гап партиянинг ҳозирги

раҳбариятини обрўсизлантириш ва сийсий мансабпарастлик мақсадида қилинган. Шунингдек, тергов ишларини олиб боришда Н. В. Ивановга граждандарнинг кўпдан-кўп хатларига қўйилган жиддий айблар учун масъулиятдан қочиб мақсадида қилинган. Бундай тўхмат айбашлар менинг ор-номусим ва виждонимгагина эмас, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг ор-номуси ва обрў-этиборига ҳам дахл қилади, десам фикримда қўшилмасизлар, деб ўйлайман.

Бундан ташқари қуйидагиларга эътиборни жалб қилмоқчиман. Матбуот қайта

қуриш учун кўп иш қилганлиги ва қилаётганлиги маълум. Афсуски, баъзи оммавий ахборот воситалари прокуратуранинг айрим терговчиларига ва бошқа мақодаларнинг муаллифларига одамларни бадном қилиш, суддан аввал уларни жиноятда айбаш учун кенг имкониятлар бериб қўйди, шу тариқа миллион-миллион граждандарни жалғитиб, афкор оммани ҳатто тергов остида ҳам бўлмаган кишиларга қарши қилиб қўйди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросидан шу фактларни кўриб чиқишни илтимос қиламан.

Бошқа бир гапни ҳам таъ-

кидлаб ўтмоқчиман. Партия бундан буён ҳам демократия ва ошқораликни, танқидни ривожлантириши, меҳнатчиларни жамиятнинг реал идора қилишга жалб этиши ва қонунларга, жамоатчиликка, меҳнат коллективларига таъиниб, бюрократизмни, сунисеъмолларни, порахуриликни таъ-туби билан қўпориш ташаббуси, иттиоз ва ҳуқуқ-ташбботни мустаҳкамлаш, ҳуллас, ҳар бир совет кишини бемалол меҳнат қилиб, яшай олиши учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўриш лозим.

Нақдай бораётган сийсий мансабпарастлик ҳам муайян хавф туғдиришмоқда. Шу иллатга қарши қатъий курашиш кераклигига аминман. Ҳурмат билан Е. Лигачев, 1989 йил 21 май.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА РЕСПУБЛИКАДА ҚИШЛОҚ ОИЛАВИЙ ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг агро-саноат комплекси масалалари билан шуғулланувчи комиссияси республикада озиқ-овқат муаммосини ҳал этишни жадаллаштириш мақсадини ўрганиб чиқди.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари жамоат сиринда қишлоқ хўжалик маҳсулотини кўпайтириш тадбирларини амалга ошира бориб, колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, хизматчилари ва бошқа граждандарнинг шахсий ердამчи хўжаликларини ривожлантиришга кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолди.

Қишлоқ меҳнатқиларига бузоқлар, чўчка болалари, қўзи ва улоқлар, паррандалар, ем-хашак сотиш анча кўпайди.

Комиссия берилаётган ердამ натижасида граждандар хонадонларида қорамоллар, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш кўпайётганини, ердан юксак самара билан фойдаланилаётганини таъкидлайди. Оилавий хўжалик-

ларда гектар бошига деярли 12 минг сўмлик маҳсулот етиштирилмоқда. Бу жамоат сириндаги қараганда олти баравар кўпдир. 203 минг гектар (барча экинзорларнинг 4,2 проценти) экинзор ва кўп йиллик экинларга эга бўлган шахсий ердამчи хўжаликлар 2,4 миллиард сўмлик маҳсулот (республика қишлоқ хўжалигидаги бутун ялпи маҳсулотнинг 39 проценти) етиштирмоқдалар.

Бироқ шахсий ердამчи хўжаликларда озиқ-овқат маҳсулотини етиштиришни кўпайтириш имкониятларидан ҳали тўла-тўқис фойдаланилмапти, озиқ-овқат ресурсларини кўпайтиришда меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмидан янада тўлиқ фойдаланишда уларнинг ролига етарли баҳо берилмапти. Республикада оилавий хўжаликни, заминда янча тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантиришга имкони борица ҳисса қўиши мумкин бўлган 600 мингдан ортиқ

колхоз пенсионери, салкам 650 минг нафар кўп болали она бор. Айрим областларда граждандарнинг шахсий ердამчи хўжаликларига маҳсулот етиштириш камийиб бормоқда. Тошкент ва Андижон областларида картошка ва сабзавот, Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент областларида туҳум етиштириш камийди. Жамоат чорчаси ем-хашак билан илмий асосланган эҳтиёждан 95 процент таъминланган бир пайтда, шахсий хўжаликлардаги чорва атғи 6,5 процент таъминланган.

Булларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қишлоқда колхозчилар, ишчилар ва хизматчиларга томоққа участкалари ҳажмининг кечлашини бекор қилиш тўғрисидаги қарори қонқарсиз бажарилаётганлиги билан боғлиқдир. Томорқа участкалари ҳамма жойда 0,11—0,12 гектар қишлоқ хўжалик экинзоридан ошмайди. Тошкент, Хоразм, Фарғона, Самарқанд, Наман-

ган областларида бу кўрсаткич 0,06—0,08 гектарни ташкил этади. Республика министрликлари ва идоралари қишлоқ хўжалиги учун етарли миқдорда бог-полиэ инвентарлари ва кичик механизация воситаларини ишлаб чиқариш юклатилди. Ўзбекирлашув аҳолидан орқича қишлоқ хўжалик маҳсулотини харид қилишни сўст ривожлантирмоқда.

Маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, касба союз ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари аҳоли орасида ташкилотчилик ва тушунириш ишларини сўст олиб бормоқдалар, қишлоқдаги ҳар бир оила полиэга эга бўлиб, ўз хўжалигида чорва ва парранда боқиши учун етарли даражада қўмақлашмайтилар.

Марказий Комитетнинг агро-саноат комплекси масалалари билан шуғулланувчи комиссияси колхозчилар ва

(Давоми 2-бетда).

УЙ-ЖОЙ ҚУРИШМОҚДА

«УЗАГРОПРОМСТРОЙ»нинг ўрта Чирчиқ районидаги 22-хўжаликларида меҳнатқиларнинг кўчма колоннаси бунёдкорлари бу йил катта марраларни қўлаб ишлашляпти. Улар бош пудрат бўйича 5 миллион 286 минг сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга аҳд қилишган.

Бунёдкорлар шу кунгача районининг К. Маркс ва Ким Пен Хаа номли колхозларида 2 минг 178 квадрат метр саҳнига 11 та уйни фойдаланишга топширдилар. Уларнинг саккизтасини колонна Ойилбой Умирбоев етакчилигидаги илгор бригадаси қурувчилари бунёд этишди.

— Бригаданида ўн беш нафар малакали қурувчи меҳнат қилади, — деди у

биз билан суҳбатда. — Уларнинг ҳар бири ишт териш, бетонлаш, сувоқ ишлари ва пардозлашнинг ҳамма турларини тўла эгаллашган. Шунинг учун ҳам ишларимизни комплекс тарада олиб бориб, муваффақиятларни қўлга киритяпмиз.

Бригада коллективи йил бошидан бери 70 минг сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишларини амалга оширди. Уларнинг бу муваффақиятга эришишларида ташкил этилган шахсий социалистик мусобақа ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишининг илгор усуллари асосий омил бўлиб хизмат қилди. Пеш-қадам қурувчилар йил охиридаги раёон хўжаликларида кўплаб социал-маиший объектлар қуриб фойдаланишга топширадилар.

А. ЖАББОРОВ.

«ҲЕЧ КИМ ВА ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ!»

Ватаннинг ҳалок бўлган ҳимоячиларига хотира китобини яратайлик

УРУШ ВА МЕХНАТ ВЕТЕРАНЛАРИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ БАРЧА АҲОЛИСИГА

МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз ўртоқлар! 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушининг даҳшатли, унутилмас йиллари биздан тарихга тобора узоқлашиб бормоқда. Аммо Ватанимизнинг шон-шарафини, озолини ва мустақиллигини ўз мардлиги, жасорати, қаҳрамонлиги билан ҳамда жонини фидо қилиб ҳимоя этган одамларнинг мўқаддас хотираси совет кишиларининг қалбига ҳамма сақланиб қолади. Ханузгача оналар ўзларининг ҳалок бўлган фарзандларини, аёллар эрларини, болалар оталарини илзамоқдалар. Эндиликда неваралар болаларини қидиришмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг немис-фашист босқинчиларига қарши жангларда ҳалок бўлган Ватан ҳимоячиларининг хотирасини абадийлаштириш мақсадида СССР Мудоффа министрилиги, уруш ва меҳнат ветеранлари бутуниттифоқ ташкилоти, ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР Нархрият, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети, Совет Тинчлик фонди ҳамда бошқа ташкилотларнинг 1989—1995 йилларда «Бутуниттифоқ хотира китоби»ни яратиш тўғрисидаги таклифини маъқуллади. Мамлакат республикаларида, областлари ва районоларида ҳам шундай китоблар яратилади. Бунда район ва област хотира китоблари номна-ном бўлади. Ана шу китоблар асосида республика хотира китоблари бунёд этилади.

Мақсадимиз — ўтган буюк урушда ҳалок бўлган ҳар бир кишини халқ хотирасида абадий сақлаб қолишдан иборатдир. Ана шу гойат катта, лекин олижаноб ишда совет кишиларининг барча аёллари қатнашадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республикада ҳам хотира китобларини яратиш тўғрисида қарор қабул қилди ва республика хотира китобини нашр этувчи редакцияни коллегиани тасдиқлади.

Республика кенгаши Улуғ Ватан уруши фронтларида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолганларнинг қариндош-уруғларига, яқин кишиларига, оилагарига мурожаат қилиб, Улуғ Ватан уруши йилларида Ватанини ҳимоя қилиш чоғида ҳалок бўлган (бедарак йўқолган) кишилар тўғрисидаги маълумотларни истиқомат жойидаги ҳарбий комиссариатга маълум қилишларини ўттииб сўрайди.

Бундан маълумдаси хотира сафидида хато бўлмаслиги, ҳеч ким унутилмаслиги керак!

УРУШ ВА МЕХНАТ ВЕТЕРАНЛАРИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Апрель-май ойларида табиий офат руй бериб, картошка, сабзавот, қовун-тарвуз, мева ва узум ҳосилига катта талафот етганлиги муносабати билан ҳамда ана шу экинлар ресурсларидан аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва қайта ишловчи корхоналарнинг хом ашёга бўлган эҳтиёжини қондириш, Умумиттифоқ миқёсидаги маҳсулот олувчиларга мева-сабзавот етказиб бериш юзасидан шартномаларига бажарилиши

ни таъминлаш, шунингдек, маҳсулот етказиб бериш планига қўшимча тарада савдо-воситачи кооперативлар, бошқа ташкилотлар ва граждандар республикадан ташқарига мева-сабзавот қайта кетиш устидан назоратни ва маҳсулот ҳисоб-китобини кучайтириш мақсадида қуйидаги фармойиш қабул қилинди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва област янқона комитетларига биринчи набатда республи-

ка аҳолисини янги узилган маҳсулот билан таъминлаш ни ҳамда ун Умумиттифоқ фондида етказиб беришни эътиборда тутиб, 1989 йил ҳосилдан картошка, сабзавот, қовун-тарвуз (маҳсулот турига кўра), янги узилган мева ва резавор мева, узум, қуруқ мева ва майиз ресурсларини аниқлаш ва тақсимлаш юзасидан таклифларни Ўзбекистон ССР Госпланига таяндин этиш топшириди.

Ўзбекистон ССР Давлат агро-саноат комитети билан Ўзбекирлашув Умумитти-

фоқ фондига мева-сабзавот маҳсулотини, картошка, қовун-тарвуз, узум, 1989 йил ҳосилдан тайёрланган қуруқ мева, жумладан, маъиз етказиб бериш давлат буюртмаси ҳамма қилари (таъминоти)ни фойдаланиш олдига қўйиб, ўрганиб чиқишлари лозим.

Мақур Масала ижобий ҳаёт этиладиган бўлса, Ўзбекистон ССР Госплани шу маҳсулотдан фойдаланиш планларига тегишли ўзгартишлар киритсин.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, област янқона комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, Ўзбекистон ССР Давлат агро-саноат комитети, Ўзбекирлашув, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси, граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармаси, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлиги бундай маҳсулотларни харид қилиш ва Умумиттифоқ фонди истеъмолчиларига етказиб бериш планни бажарилашга қадар республикадан картошка, сабзавот (аҳолидан сотиб олиб) ган эртанги қарам, бошпиез бунга кирмайди), янги узил-

ган мева, резавор ва узумнинг республикадан ташқарига плансиз ташиб кетилишига йўл қўймаслик учун зарур чоралар кўрсиналар. Транспорт воситалари, шу жумладан, кооперативлар учун транспорт воситалари фақат Ўзбекистон ССР Давлат агро-саноат комитети ва Ўзбекирлашувнинг талабномаларига биноан ажратилин.

Ўзбекистон ССР Давлат агро-саноат комитети, Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, Ўзбекирлашув, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, област янқона комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети кечку да-

(Давоми 3-бетда).

